

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
№3- СОНЛИ КЕНГАШ БАЁННОМА ҚАРОРИ

Тошкент ш.

7 ноябрь 2018 йил

Раис – профессор Ж.А.Ризаев

Котиб –доцент А.А.Юлдашев

Институт Кенгаш раиси, профессор Ж.А.Ризаев куйидаги кун тартиби асосида кенгаш мажлисини очди:

Кун тартиби:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши ҳамда “Фаол тадбиркорлик ва инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили” Давлат дастурини бажарилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар. Институт олимлари томонидан амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларнинг натижалари ва инновацион ҳамкорлик ҳолати

Маърузачи: Илмий ва инновация ишлари бўйича проректор проф.Р.А.Амануллаев

2. 2018-2019 ўқув йилига бакалавриатура, магистратура ва ТДСИ академик лицейи қабули бўйича ҳисоботи

Маърузачи: Қабул комиссияси маъсул котиби доц. Б.Х.Ярмухамедов, ТДСИ академик лицейи директори Ш.А.Мирахимова

3. ЎзР Президентининг 2017й 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909 сон қарори ижроси юзасидан институт молиявий ва моддий-техника базасининг ҳолати ва ривожлантириш бўйича тақлифлар

Маърузачи: Ишлар бошқармаси бошлиғи Г.А.Элмуродов

4. Ўқув услубий ишларни тасдиқлаш

5. Турли масалалар

Кўриб чиқилган кун тартибидаги биринчи масала: 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши ҳамда “Фаол тадбиркорлик ва инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили” Давлат дастурини бажарилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар. Институт олимлари томонидан амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларнинг натижалари ва инновацион ҳамкорлик ҳолати. Маърузачи: Илмий ва инновация ишлари бўйича проректор проф.Р.А.Амануллаев

ҚАРОР ҚИЛИДИ:

1. Институтнинг илмий-тадқиқот инфратузилмаси модернизациялансин ва кафедра ходимлари, илмий изланувчилар, клиник ординаторлар, магистрлар ва талабаларнинг кенг фойдаланиши ташкиллаштирилсин.

**Маъсул – Илмий ва инновация ишлари бўйича проректор,
илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий педагогик кадрлар
тайёрлаш сектори бошлиғи**

Муддат – Бир ой

2. Институтда таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўргасидаги инновацион ҳамкорлик гуруҳлари сонини кўпайтирилсин ва гуруҳларга докторантлар, магистрлар, клиник ординаторлар ва талабалар жалб қилинсин.

**Маъсул – Илмий ва инновация ишлари бўйича проректор,
илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий педагогик кадрлар
тайёрлаш сектори бошлиғи, магистратура бўлим бошлиғи, деканлар**

Муддат – Бир ой

3. Кафедра мудирлари ўзлари ва кафедра ходимлари томонидан 2019 йилдан бошлаб ҳамкор хорижий ОТМларига бориб маъруза ўқиши йўлга қўйилсин.

**Масъул – Илмий ва инновация ишлари бўйича проректор,
илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий педагогик кадрлар
тайёрлаш сектори бошлиғи, деканлар
Муддат – Бир ой**

Қарор овозга кўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Кўриб чиқилган кун тартибидаги учинчи масала: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909 сон қарори ижроси юзасидан институт молиявий ва моддий-техника базасининг ҳолати ва ривожлантириш бўйича таклифлар. Маърузачи: Молиявий-иқтисодий ишлар проректори Ғ.А.Олмуродов

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори ижроси бўйича институт моддий техник базаси янада ривожлантирилсин.

**Масъул – Ишлар бошқармаси бошлиғи
Муддат – донмий**

2. Институтнинг илмий ва ўқув лабораторияларини керакли бўлган лаборатор жихозлар билан таъминлансин.

**Масъул – Ишлар бошқармаси бошлиғи
Муддат – донмий**

3. Педагог кадрларнинг касб маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш, хорижда педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва стажировкасини ўтказиш, институт ўқув жараёнларига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни кенг жалб қилиш, уларнинг келиб кетиши, турар-жой, овқатланиш ва бошқа харажатлар институт маблағлари ҳисобидан таъминлансин.

**Масъул – Ишлар бошқармаси бошлиғи
Муддат – донмий**

4. Дунёнинг илгор университет базаларида тизимли асосда институтимиз магистр, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларнинг стажировка ўташлари учун сарф-харажатлар институт маблағлари ҳисобидан таъминлансин.

**Масъул – Ишлар бошқармаси бошлиғи
Муддат – донмий**

5. Россия федерациясида ўтказилган IX Всероссийские студенческие игры «Стоматология Юга 2018» тадбирда иштирок этган ТДСИ талабалари 1 млн сўм миқдоридан мукофотлансин

**Масъул – бош ҳисобчи
Муддат – 1 ой**

Қарор овозга кўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлар ва тарбиявий ишлар бўйича проректор А.М.Хайдаров ва инновация ишлари бўйича проректор проф.Р.А.Амануллаев зиммасига юклансин.

**Институт кенгаши раиси,
профессор**



Ж.А.Ризаев